



УЎК: 339.97



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИЛАВИЙ ХЎЖАЛИКЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич¹, Аллаяров Шерали
Шамшиевич²

¹Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали, ²Мустақил
тадқиқотчи
<https://doi.org/10.5281/zenodo.5716543>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05- Noyabr 2021
Ma'qullandi: 10- Noyabr 2021
Chop etildi: 15- Noyabr 2021

KALIT SO'ZLAR

оила, оилавий
хўжаликлар, қишлоқ
хўжалиги, фермер
хўжалиги,
тадбиркорлик

ANNOTATSIYA

Айни вақтда, Қорақалпоғистон Республикаси аграр соҳасида оилавий хўжаликлар фаол кооперациялашув жараёни кузатилмоқда. Бу жараён натижасида 50 тага яқин кооперативлар ташкил этилган. Мақолада ушбу кооперативлар вужудга келиши ва уларнинг ўтган даврдаги фаолиятини кузатиш, уларни назарий маълумотларга таққослаган ҳолда тадқиқ этиш натижалари баён этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида оилавий хўжаликларни ривожлантириш мақсадида амалга оширилган тадқиқотларимиз давомида аниқландики, бу борада кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативлари ташкил этиш янада яхшироқ самара беради, чунки, бу уларнинг кооперациялашув жараёнида маҳсулот таннархини камайтиришдан ташқари, ўз истеъмоли учун зарур маҳсулот ва хизматлар билан ўзаро таъминотни ҳам ривожлантиради. Масалан, деҳқончилик билан машғул оилавий хўжаликлар такрорий, оралиқ ёки қатор ораси экинлари сифатида озуқа хом ашёси этиштириб чорвадор оилаларга, улар томонидан эса ўз навбатида органик ўғит, чорвачилик

маҳсулотлари сотишлари, ҳатто, зарур ҳуқуқий-меъёрий тартибларни такомиллаштирилган шароитларда маҳсулот ва хизматлар алмашинувини (бартер) ташкил этилиши кооперация самарадорлигини янада оширади. Бу тадбир айниқса, нархлар диспаратетининг салбий таъсирини юмшатишга ва трансакция харажатларини камайтиришга катта ҳисса қўшади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кооперациялаштиришнинг қуйидаги йўналишларини ривожлантиришни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

1. Оилавий хўжаликларнинг ўзаро ва маҳаллий фермер хўжаликлари билан моддий-техник таъминот, этиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш



ва сотиш борасида бирлашган кооперативлар (маҳаллий кооперативлар);

2. Оилавий хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик корхоналари, агрокластерлар, қайта ишловчи корхоналар билан ҳудудий даражада ўзаро манфаатдорлик асосида бирлашган кооперативлар (ҳудудий кооперативлар).

Аҳоли оилавий хўжаликларининг қишлоқ хўжалик корхоналари билан интеграциялашуви қуйидаги икки йўналишда содир бўлиши мумкин:

1. Оилавий хўжаликларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш жараёнида иштирокисиз;

2. Аксинча, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш тадбирларида бевосита иштироки билан^{1,2}.

Хўжаликлараро кооперация жараёни икки йўналишда амалга ошиши мумкин:

- таъминот, хизмат ва бошқа таклифлар бўйича шартнома тузиш орқали узоқ муддатли иқтисодий-ишлаб чиқариш муносабатлари асосида;

- ташкилий-ишлаб чиқариш тизимлари доирасида (масалан, йирик кластерлар доирасида) янги юридик ташкилотлар тузиш орқали. Бунда хўжаликлараро ташкилотлар тузилади³.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига кўра

оилавий хўжаликлар ривожига кооперациялашув жараёни қандай кўринишда бўлмасин, ушбу жараёни давлат томонидан рағбатлантириш кечиктириб бўлмас зарурият деган ҳулосага келдик.

Ушбу заруриятни инфраструктуралар бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга оширишнинг қуйидаги йўналишларини кўрсатиш мумкин.

I. Ишлаб чиқариш инфраструктураси бўйича:

1. Харажатларнинг бир қисмини қопланадиган тадбирларда:

- ерга ишлов берувчи мини техника, чорвачилик фермалари учун ускуна ва қурилмалар, деқончилик маҳсулотларга бирламчи ишлов бериш ускуналари, қайта ишлаш техникалари сотиб олишда;

- лизинг бўйича қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналарни сотиб олишда бошланғич тўловни тўшлашда;

- ишлаб чиқариш биноларини лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, уриш ва таъмирлашда;

2. Томорқа хўжалиги юритиш учун ер олиш (жу жумладан қўшимча сотиб, ер олиш, ижарга олиш) ва уни расмийлаштириш жараёнидаги харажатларни субсидиялаш;

3. Истеъмол кооперативи (таъминотчи, хизмат кўрсатувчи, қайта

¹ Ильин Ю.А. Региональное взаимодействие малых форм хозяйствования и сельскохозяйственных организаций // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2007. № 10. С. 28–30.

² Кубанов А. Взаимосвязь сельскохозяйственных предприятий и личного подсобного хозяйства

населения // Международный сельскохозяйственный журнал. 2005. № 2. С. 30–32.

³ Барбашин Е. А. Кооперация и интеграция сельскохозяйственного производства. – Курск: Изд-во Курск. гос. с.-х. ак., 2005. – 156 с.



ишловчи) тизимини ташкилий этиш харажатларини;

4. Чорва молларини бир йилда бир марта ветеринария кўригидан ўтказиш ва хизмат кўрсатиш, чорва молларининг юқумли касалликларига қарши курашиш ишлари

5. Сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантириш харажатлари.

1. Қишлоқ жойларида таъминот-савдо шаобчалари ташкил этиш;

2. Савдо истеъмол кооперативлар тизимини ташкил этиш;

3. Доимий фаолият юритувчи ҳудудий кўргазма ташкил этиш ва уни ривожлантириш;

4. Оилавий хўжаликларда етиштирилган маҳсулотлар кўргазма-савдоларини ташкил этиш.

III. Молия, кредит ва суғурта инфраструктураси бўйича:

1. Оилавий хўжаликлар чорва моллари, озуқа ва мини техник воситалар сотиб олиш учун олган кредитларнинг фоиз ставкаларини субсидиялаш;

2. Субсидиялар олиш жараёнини соддалаштириш;

3. Суғурта хизматларини ривожлантириш ва улардан оилавий хўжаликлар учун фойдаланиш тартибларни соддалаштириш.

IV. Ахборот ва маслаҳат инфраструктураси бўйича:

1. Туман ахборот-маслаҳат марказларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириб бориш;

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва маҳаллий маъмурий идоралар ходимлари томонидан оилавий хўжалик юритувчиларга агрономия, ветеринари ва зоотехния

масалаларида (сермахсул ўсимлик навлари, чорва моллар зоти, самарали ўғитлар, қулай, замонавий, ресурстежамкор технологиялар ва ҳақозо) ахборот-маслаҳат ёрдамлари кўрсатишни ташкил этиш;

3. Оммавий ахборот воситалари орқали оилваий хўжалик юритишнинг илғор тажрибаларини ёритиб борилишини ташкил этиш;

4. Оилавий хўжаликларни кредитлаш, суғурталаш ташкилотлари учун махсус семинарлар ташкил этиш.

V. Ҳуқуқий хизматлар инфраструктураси бўйича:

1. Оилавий хўжаликларга юридик хизматлар кўрсатишни ривожлантириш бўйича ҳудудий мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш;

2. Оилавий хўжаликларга хизмат кўрсатувчи инфраструктурани ривожлантириш бўйича муниципал дастурларни яратиш;

VI. Кадрлар бўйича хизматлар инфраструктураси бўйича:

1. Оилаваий хўжалик юритувчи фуқароларнинг малакасини ошириш;

2. Оилавий хўжаликларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ходим ва мутахассисларини малакасини ошириш.

Назарий жиҳатдан умумлаштирган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси оилавий хўжаликлар иштирокидаги, умуман, кичик хўжалик шаклларидаги тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперация муносабатларини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилиб, улар биринчи навбатда ўз



ичига қуйидаги иқтисодий чора-тадбирларни қамраб олиши зарур:

- кооперативларнинг мулкый салоҳиятини шакллантириш учун субсидиялар ажратиш, турли молия-кредит муассасаларидан олинган кредит ва қарз фоизларини қоплаш;

- қишлоқ хўжалиги истеъмол кооперативларининг қайта ишлаш корхоналари билан ҳамкорликдаги тадбирларини солиқ имтиёзлари тақдим этиш орқали рағбатлантириш;

- ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишда

турли воситачи ва оралиқ савдо каналлари аралашувини мутлақо истисно этувчи шарт-шароитлар яратиш;

- истеъмол кооперативи аъзолари таъминоти учун маҳаллий бозорларда кафолатли савдо нуқталари тақдим этиш.

Демак, йирик ишлаб чиқарувчилар билан кичик, яъни, оилавий хўжаликларнинг кооперация алоқалари замон талабига кўра энг истиқболли кооперация шаклидир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Мўминов Б.О., Сапаров А.Б. Агрокластерларнинг жорий этилиши – ихтисослаштириш ва жойлаштиришнинг муҳим омилидир. «SCIENTIFIC PROGRESS» Scientific Journal ISSN: 2181-1601 // Volume: 1, ISSUE: 2. <http://www.scientificprogress.uz/>
2. Папцов А.Г. Современные направления развития сельскохозяйственной кооперации в экономически развитых странах // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2010. № 3. С. 79–82.
3. Узун В.Я. Роль семейных ферм и сельскохозяйственной кооперации в России и США // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 1999. № 5. С. 45–49..
4. Антонов М.Г. Опыт интеграции личных подсобных хозяйств с общественным производством сельхозпредприятий// Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. -1997, №11. С 44-46.